

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА
КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ СТРАТЕГИК ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Отақўзиева Зухра Маратдаевна -
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот
технологиялари университети доценти, и.ф.н.

Аннотация. Бугунги кунда Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг замонавий ривожланиш босқичи, унинг шаклланиш даври ва ривожланишининг юқори динамикаси билан характерланади. Ҳозирги глобал бутунжаҳон тенденцияларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон учун ахборот-коммуникация технологияларидан жамиятнинг барча соҳаларида жадал фойдаланиш ўта долзарб бўлиб, рақамли технологияларни қўллаш асосида республиканинг барча корхоналари фаолиятини стратегик такомиллаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони, бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатларга асосан, республиканинг барча корхоналарида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва ушбу мақолада корхоналар фаолиятини стратегик такомиллаштириш масаласининг ҳал этилиши “Ўзбекистон почтаси” АЖ мисолида келтириб ўтилади.

Таянч сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар, рақамли иқтисодиёт моделлари, рақамли иқтисодиёт институтлари, корхона фаолиятини стратегик такомиллаштириш, почта алоқаси хизматлари, рақамли эгизак модели.

СТРАТЕГИЧЕСКОЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРЕДПРИЯТИЯ В КОНТЕКСТЕ
РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Отақўзиева Зухра Маратдаевна -
доцент, кандидат экономических наук Ташкентского университета
информационных технологий имени Муҳаммада ал-Хоразми

Аннотация. Сегодня современный этап развития цифровой экономики в Узбекистане характеризуется периодом ее становления и высокой динамикой развития. Учитывая современные мировые тенденции, повсеместное использование информационно-коммуникационных технологий во всех сферах жизни общества очень важно для Узбекистана, и одним из важных вопросов является стратегическое совершенствование всех предприятий страны на основе цифровых технологий. Согласно Указу Президента «Об утверждении Стратегии» Цифровой Узбекистан - 2030 »и мерах по ее эффективной реализации» на всех предприятиях страны реализуется ряд мер, и в данной статье рассматривается вопрос стратегического совершенствования предприятия АО «Узбекистон почтаси».

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровые технологии, модели цифровой экономики, институты цифровой экономики, стратегическое совершенствование деятельности предприятия, почтовые услуги, модель цифрового двойника.

STRATEGIC IMPROVEMENT OF THE ENTERPRISE IN THE CONTEXT OF THE
DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY

Otakuzieva Zuhra Maratdaevna -
Associate Professor, Candidate of Economic Sciences,
Tashkent University of Information Technologies named
after Muhammad al-Khorazmi

Annotation. Today, the modern stage of development of the digital economy in Uzbekistan is characterized by a period of its formation and high dynamics of development. Taking into account modern global trends, the widespread use of information and communication technologies in all spheres of society is very important for Uzbekistan, and one of the important issues is the strategic improvement of all enterprises in the country based on digital technologies. According to the Decree of the President "On the approval of the Strategy" Digital Uzbekistan - 2030 "and measures for its effective implementation", a number of measures are being implemented at all enterprises of the country, and this article discusses the issue of strategic improvement of the enterprise JSC "Uzbekiston Pochtasi".

Keywords: digital economy, digital technologies, digital economy models, digital economy institutions, strategic business improvement, postal services, digital twin model.

Кириш. Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт инсон ҳаётининг барча соҳаларига оид улкан ҳажмдаги рақамли маълумотларни тўплаш, улардан фойдаланиш ва таҳлил қилиш имконияти туфайли ғоят катта тезликда ривожланмоқда десак, муболаға бўлмайди. “Amazon”,

“Alibaba”, “Facebook”, “eBay”, “Uber”, “Didi Chusin” ёки “Airbnb” каби йирик корпорациялар учун рақамли платформалар уларнинг асосий бизнес-моделига айланди. Улар рақамли платформалардан фойдаланувчилар ўртасидаги барча

операциялар бўйича рўйхатдан ўтиш ва маълумотларни олиш имкониятига эгадирлар.

Ривожланишнинг кичик тарихий даврига эга бўлишига қарамай, рақамли иқтисодиёт асосан, электрон тижорат, онлайн-банкнинг, электрон тўловлар, онлайн реклама, онлайн ўйинлар ва бошқалар каби савдо ва интернет хизматларида рақамли технологиялардан фойдаланишга йўналтирилган[1].

Жаҳонда рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари билан шуғулланаётган олимлар учун унинг миқёсини, яратадиган қиймати ва келтираётган фойдасини баҳолашда маълум қийинчиликлар мавжуд. Биринчидан, рақамли иқтисодиётнинг умумэътироф этилган таърифи мавжуд эмас. Иккинчидан, унинг асосий таркибий қисмлари, айрим жиҳатлари бўйича (айниқса, ривожланаётган мамлакатларда) ишончли статистик маълумотлар тақчиллиги сезилиб туради. Ушбу вазиятни бартараф этиш бўйича бир қатор ташаббуслар (масалан, дастурлар) бошланган бўлса-да, уларни етарли деб бўлмади ва рақамли иқтисодиётнинг ҳозирги кунда жадал ривожланиши билан ҳамқадам эмас, деб айтиш мумкин.

Рақамли иқтисодиётнинг умумэътироф этилган таърифи ва етарли даражада статистик маълумотлари мавжуд эмаслиги сабабли, унинг дунё ЯИМ даги улуши 4,5 фоиздан 15,5 фоизгача ўзгариб туради. Дунёда ахборот коммуникация технологиялари соҳасида банд кишилар сони 2010 йилдаги 34 млн. кишидан 2015 йилда 39 млн. кишига ортган, энг кўп ишловчилар сони (38%) компьютер хизматлари соҳасига тўғри келмоқда. Худди шу даврда умумий бандлик соҳасида АКТ соҳасининг улуши 1,8 фоиздан 2 фоизгача ошди [2]. АКТ секторининг энг катта таркибий қисми компьютер хизматларига тўғри келади, у тармоқда қўшилган қийматнинг 40 фоизини ташкил этади. Глобал компьютер хизматлари саноатида АҚШ етакчи ўринни эгаллайди ва ривожланаётган давлатлар орасида энг катта улуш Ҳиндистонга тўғри келади. Сўнгги 10 йил ичида АКТ ва рақамли технологиялар хизматларининг глобал экспорти барча хизматларнинг умумий экспортига қараганда тезроқ ўсди. 2018 йилда рақамли технологияларни экспорт қилиш ҳажми дунё бўйлаб хизматлар экспортининг 50 фоизини ташкил этди ва 2,9 трлн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг замонавий ривожланиш босқичи унинг шаклланиш даври ва ривожланишининг юқори динамикаси билан характерланади. Бу даврнинг ривожланиши бир томондан, келажакда ноаниқ ҳолатларга, иккинчи томондан, ривожланишнинг юқори динамикаси билан максимал даражада уйғунликда бўлиши билан характерлидир. Шаклланиш босқичининг иккинчи характерли

хусусияти шуки, эски тузилмалар (институтлар, муносабатлар, агентлар)нинг янгиланиб ёки йўқолиб бориши тенденцияси ва шу билан бир вақтда, замонавий тузилмалар шаклланишининг уйғунликда бўлишидир.

Мавзунинг долзарблигини Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши таъминлаш учун 2020 йил 5 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан - “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинганлиги билан асослаб бериш мумкин[3]. Ушбу фармонда рақамли инфратузилма, электрон ҳукумат, рақамли саноат ва рақамли таълим каби устувор йўналишларни ривожлантириш белгилаб берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 декабрдаги “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4921-сон қарорида Ўзбекистонда почта алоқаси тизими бугунги кунда мамлакат худудларида хат ва почта жўнатмалари билан бир қаторда товарларни етказиб бериш, банк, молия ва давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ўз инфратузилмасига эга бўлган муҳим соҳа эканлиги, аммо Миллий оператор тармоғини ривожлантириш бўйича етарлича чоралар кўрилмаганлиги оқибатида Умумжаҳон почта иттифоқининг Почта ривожланиши индекси глобал рейтингда Ўзбекистон 93-ўринда қолаётганлиги кўрсатиб ўтилганлиги ва қарорда почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, почта алоқаси хизматларини тақдим этиш фаолиятини тўлиқ автоматлаштириш орқали Почта ривожланиши индекси глобал рейтингда мамлакатимизни биринчи 50 таликка киритиш мақсадида бир қатор вазифалар белгиланганлиги билан тушунтириш мумкин [4].

Ҳозирги глобал бутунжаҳон тенденцияларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон учун АКТдан жамиятнинг барча соҳаларида жадал фойдаланиш, шунингдек, рақамли технологияларнинг умумий ривожини инновацияларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантиради ҳамда жаҳон иқтисодиётига жадал суръатларда кириши ва интеграциялашувига сабаб бўлмоқда. Бунинг учун Республикада жадал суръатларда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, бироқ дастлабки илмий асос ва илмий-тадқиқотларсиз бу жараёнларда юқори самарадорликка эришиб бўлмади. АКТдан фойдаланиш ва рақамли технологияларни ривожлантириш орқали рўй бераётган жадал ўзгаришларни кузатиб, тадқиқотлар олиб бориш дунёнинг кўплаб мамлакатларида рақамли иқтисодиёт соҳасида изланишлар олиб бора-

ётган олимлар учун мураккаб масала ҳисобланади. Шунинг учун рақамли иқтисодиётни ўрганиш иқтисодий фан нуқтаи назаридан ҳам, турли даражадаги бошқарув тизимларининг амалий жиҳатидан ўзгариши (трансформацияси) нуқтаи назаридан ҳам, яъни электрон ҳукуматдан тортиб, турли объектлар (шаҳар, транспорт ҳаракати, уй, хона, автомобиль, ва ҳоказо)ларни смар-т-бошқарувнинг рақамли моделларигача ўрганиш ўта долзарб ҳисобланади. Шу ўринда айтиш жоизки, юқорида қайд этилган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонда рақамли иқтисодиётнинг илмий изланишларини кучайтириш масаласига ҳам етарли даражада эътибор қаратилди.

Тадқиқотнинг мақсади бўлиб, рақамли иқтисодиёт шаклланиши, ривожланишининг ташкилий-услубий асосларини илмий асослаб бериш ва рақамли иқтисодиёт технологиялари ёрдамида корхона фаолиятини стратегик такомиллаштириш (“Ўзбекистон почтаси” АЖ мисолида) бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Б.Аллен, Д. Белл, Дж.Даннинг, У. Дайзард, П.Дракер, М. Кастельс, Т.Клейн, М.Коннорз, У. Мартин, Й. Масуда, Д.Ламбертон, Т.Левит, Н.Левис, Р.Нолана, А.Норман, Р.Петрелл, М.Порат, Дж.Стиглер, Дж.Стиглиц, Т. Стоуньер, Э. Тоффлер, А.Турен, Т.Умесао, К. Эрроу, Й.Шумпетер ва бошқаларнинг ишларида билимлар ва ахборотнинг жамият тараққиётидаги ўрни тадқиқ этилган, ахборот инқилобининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, ахборотлашган ишлаб чиқариш, ахборотлашган ресурслар, тармоқ иқтисодиётининг фаолият кўрсатиш механизмлари ва бошқа шу каби жиҳатлари таҳлил қилинган.

МДХ мамлакатларида, жумладан, Россияда иқтисодиётнинг янги турини шакллантириш муаммолари АҚШ ва Ғарбий Европага қараганда 20 йил ўтгандан сўнг, анча суст суръатларда ўрганила бошланди. Рақамли иқтисодиёт назариясига бевосита алоқадор бўлган мустақил ишлар дастлаб, ўтган аср 80-йилларининг ўрталарида пайдо бўлди, лекин ҳозирда уларни том маънода бармоқларда санаб ўтиш мумкин. Буларнинг энг асосийлари қаторига Г.Р.Громов (1984), С.Ю.Глазьев (1990), Р.Нижегородцев (1995), Р.И.Цвылев (1996) ва Ю.Яковц (1996) монографияларини киритиш мумкин. Санаб ўтилган муаллифларнинг китобларида собиқ иттифоқ даври шароитида янги турдаги иқтисодиётнинг шаклланиш жараёнлари тадқиқ этилади. А.Бузгалин, С. Дятлов, В. Иноземцев, Б. Корнейчук, А. Кузнецов, О. Мамедов, Р. Нижегородцев, А. Колганов, Ю.Хохлов тадқиқотларида ахборотлашган иқтисодиётни иқтисодий тизим ривожланишининг замонавий босқичи сифати-

да унинг тутган ўрни белгилаб берилган, шаклланиш хусусиятлари тавсифланган. Дунёда хусусан, Россияда рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши билан боғлиқ айрим жиҳатлар ҳамда муаммолар Г.Н.Андреева, С.В.Бадальянц, Т.Г.Богатырева, В.А.Бородай, О.В.Дудкина, А.Е.Зубарев, Л.Н.Казьмина, Л.А.Минасян, Л.В.Миронов, С.А.Стрижов, М.Л.Шер ва бошқа муаллифларнинг жамоавий монографиялари бўлимлари, китоблари, алоҳида мақолаларида ёритиб берилган. Т. П.Николаева, Э.С. Спиридонов ва М. С. Клыковаларнинг асарлари амалий ахборотлашган иқтисодиётнинг айрим жиҳатларини ўрганишга бағишланган. Айниқса, рақамли иқтисодиёт каби янги ҳодиса тадқиқотида умумназарий ва методологик аҳамиятга эга олимлар Н.Р.Шевко, А.С. Абубекиров ва Н.Р. Мансуроваларнинг асарларини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз.

Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг соҳа ва тармоқларида АҚТни самарали татбиқ этиш масалаларига бир қатор мамлакатимиз олимлари ҳисса қўшиб келмоқдалар. Буларга, жумладан, А.Н.Арипов, С.С.Фуломов, О.К.Иминов, Т.З.Тешабаев, А.М.Абдувоҳидов, А.С.Абдуғаффаров, Ё.А.Абдуллаев, Р.Х.Алимов, Р.Х.Аюпов, Б.А. Бегалов, Т.Ф.Бекмуратов, А.Б.Бобожонов, Б.К.Ғойибназаров, Р.А.Дадабаева, Ш.У.Джанадилов, К.Х.Жумаев, В.К.Қобулов, А.Т.Кенжабаев, Т.С.Қўчқоров, Т.И.Бобакулов, Д.В.Расулова, Н.М.Махмудов, И.К.Мирзаев, А.А.Мусалиев, Ш.Г.Одилов, Д.М.Расулев, Б.Т. Салимов, З.Х. Тошматов, М.Л. Турсунхўжаев, О.С.Умаров, Н.Х.Хайдаров, М.М.Махмудов, Б.Ю. Ходиев, Т.Ш. Шодиев, А.Т. Шермухамедов ва бошқаларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция усуллари ва тизимли ёндашув, умумлаштириш, статистик, абстракт-таҳлилий усуллар ва бошқалардан фойдаланилди.

1. Умумлаштириш орқали рақамли иқтисодиёт назарияси асосий тушунчаларининг нисбатига турлича ёндашувлар асосида рақамли иқтисодиётга таъриф берилди, яъни, рақамли иқтисодиёт – ахборот-коммуникация технологиялари, ахборот ресурсларига асосланган, ахборотлашган ишлаб чиқариш ва ахборотлашган хизматлардан ташкил топган, ахборотлашган инфраструктура орқали ривожланадиган ва умуман ахборотлашган жамият иқтисодиёт назариясидир.

2. Жаҳоннинг турли мамлакатлари (ривожланган ва ривожланаётган)да рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши унинг моделлари орқали қиёсий таҳлил қилинди. Рақамли иқтисодиётни турли мамлакатлар моделлари

бўйича қиёсий таҳлилига кўра, у янги тенденцияларнинг ривожини билан кечмоқда.

3. Тадқиқотнинг дастлабки босқичидан унинг охиригача ва оралиқ қисмларида тизимли ёндашув усулидан фойдаланилди, натижада тегишлича хулосалар қилинди.

4. Маълумот, кўрсаткичларни таҳлил ва синтез қилишда статистик усуллардан фойдаланилди. Масалан, республикада рақамли иқтисодиёт ривожланиши унинг асосини ташкил этаётган электрон ҳукумат, электрон тижорат, электрон бандлик институтларининг статистик маълумотлари орқали таҳлил қилинди. Натижада республикада охириги йилларда рақамли иқтисодиёт ривожланиши кўрсаткичлари (айниқса, электрон ҳукумат бўйича) сезиларли даражада яхшиланаётганлиги аниқланди. Лекин айтиш жоизки, дунё бўйича олиб таҳлил қилинган ўртача кўрсаткичларнинг даражасига эришиш учун ҳали кўпгина ишларни амалга ошириш лозим.

5. Иқтисодиётнинг янги тури назариялари, олимлар қарашлари, берган таърифлари таҳлили ва синтези, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланган ҳолда, яъни хусусийликдан умумийликка (корхона ва иқтисодиёт, давлат, электрон ҳукумат ўртасидаги муносабатлар) ёки умумийликдан хусусийликка (рақамли иқтисодиётнинг, давлатнинг - электрон ҳукуматнинг фуқаролар, корхоналар фаолиятига таъсири) томон тадқиқот олиб борилди. Натижада Ўзбекистонда АКТ ва рақамли иқтисодиёт ривожланишининг асосий вазифалари давлат органлари томонидан белгиланиши ва давлат ҳокимиятининг барча даражаларида изчил амалга оширилаётганлигини, республикада шаклланаётган рақамли иқтисодиёт модели ижтимоий йўналтирилганлиги, яъни унинг асосий мақсади фуқаролар ва ташкилотлар томонидан АКТни қўллаш афзалликларидан фойдаланишлари, бундан ташқари, давлатнинг фуқаролар, корхоналар билан тез ва самарали ҳамкорлиги учун шароит яратишдан иборат эканлиги аниқланди.


ролар, корхоналар билан тез ва самарали ҳамкорлиги учун шароит яратишдан иборат эканлиги аниқланди.

Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар техник-иқтисодий-математик усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотларига асосланган статистик маълумотлар ва бошқа расмий равишда чоп этилган амалий маълумотлар, шунингдек, тегишли ваколатли давлат органлари хулоса ва тавсияларининг изчиллиги билан белгиланади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Рақамли иқтисодиётни анъанавий ва бошқа иқтисодиётлардан ажратиш турадиган муҳим хусусиятларидан бири ахборот ишлаб чиқариш харажатларининг алоҳида таркибий қисми, шунингдек, бозор механизмнинг муҳим элементи ва иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури сифатида тақдим этилишидир. Анъанавий иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг етакчи соҳаси-қазиб олиш тармоқлари, индустриал иқтисодиётда – қайта ишлаш бўлса, рақамли иқтисодиёт шароитида билимларни ҳосил қилиш ва ахборот узатиш, айтиқса, фан етакчи соҳа сифатида фаолият кўрсатади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, рақамли иқтисодиётнинг институционал – таркибий қисмларини (умумий савдо таркибида электрон тижоратнинг улуши, давлат умумий хизмат кўрсатиш ҳажмида электрон хизматлар улуши, бандлик умумий таркибида фрилансерлар улуши ва бошқалар) солиштирма оғирлигини ҳисобга оладиган ёндашув самарали ҳисобланади. Бундай муносабатлар тизими рақамли иқтисодиётнинг асосий компонентларини ўзаро боғланишида муҳим аҳамият касб этади (1-расм) ва иқтисодиётни янги (нео) қирраларини очиб беради.



1-расм. Рақамли иқтисодиёт ривожланишида унинг институционал таркибий қисмлари муносабатлари тизими

Манба: Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижасида рақамли иқтисодиёт шаклланишида унинг яна бир қатор механизмлари (қонунлар, қонуности ҳужжатлар; давлат органлари, ташкилотлар, вазирлик ва идоралар; бозор механизми (ахборот, ахборот технологиялари бозори, нарх, рақобат); тадбиркорлик; сервис; инновация; блокчейн; коммуникациялар), унинг асосий таркибий қисмлари (элементлари) (электрон ҳукумат; электрон тижорат; электрон бандлик; технологик инфратузилма; рақамли жараёнлар – бизнесни муваффақиятли олиб боришини таъминловчи жараёнлар (электрон банклар, электрон тўловлар, интернет орқали реклама, электрон валюта)) атрофлича кўриб чиқилди. Ўз навбатида, рақамли иқтисодиётнинг таркибий элементлари ва механизмларини ўзаро мутаносиб ҳолда боғлашини рақамли иқтисодиёт тузилишининг концептуал модели орқали кўриш мумкинлиги, ушбу концептуал модель мазкур тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб, рақамли иқтисодиёт соҳасида мутахассислар ва тадқиқотчилар учун рақамли иқтисодиёт моделларини шакллантириш ва такомиллаштириш масалаларини ҳал этишда мантиқий негиз сифатида хизмат қилиши таъкидлаб ўтилган.

Тадқиқот материалларини умумлаштириш, янги иқтисодиёт тури назарияларининг эволюцияси турли хил олимларнинг бир-биридан фарқ қиладиган назарий ишланмалари мавжудлигини кўрсатди. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, неоиктисодиёт томонидан тақдим этилган назарий ёндашувлар АКТлардан тўлиқ фойдаланиш ва улар асосида рақамли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган рақамли иқтисодиётни назарда тутди. Шу билан бирга, таҳлиллар шуни кўрсатдики, бугунги кунга келиб, рақамли иқтисодиёт тўлиқ ўрганилмаган, бу эса кенг қўламли тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Бундан ташқари, тадқиқотда дунё мамлакатларида рақамли иқтисодиёт кўрсаткичлари ҳар хил ва ривожланиш йўллари турлича эканлиги, мамлакатларнинг фаол инновациялар учун қулай шарт-шароитлар яратиши, рақамли технологиялар ва инфратузилмага инвестиция харажатларини сезиларли даражада ошириши каби умумий хусусиятлари мавжудлиги аниқланди. Рақамли иқтисодиётнинг асосий институтлари электрон тижорат (ЭТ), электрон ҳукумат (ЭХ) ва электрон бандлик (ЭБ)ни бўлиб, уларнинг ҳар бирининг ўрни ва роли атрофлича кўриб чиқилди.

Рақамли иқтисодиёт шаклланган моделларининг ўтказилган қиёсий таҳлили унинг барча моделларига хос бўлган умумий хусусиятларни аниқлашга имкон берди:

- ахборот билимларидан фойдаланиш асосида тубдан янги бешинчи технологик тартибни шакллантириш;

- глобал рақамли ахборот муҳитини яратиш;

- масофавий йўналишда иш билан бандликни таркибий қайта қуриш;

- ҳаёт сифатининг ахборот ресурсларини истеъмол қилиш даражасига бевосита боғлиқлиги;

- ахборот хавфсизлиги муаммосининг кескинлашуви.

Жаҳон амалиётида рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини баҳолашда рейтинг кўрсаткичларини тузишнинг турли усуллари: тармоқ тайёрлиги индекси, АКТни ривожлантириш бўйича индекс ва мамлакатларнинг электрон ҳукуматга тайёрлиги индексидан фойдаланилади. Индекс бу кўрсаткичларни дунё мамлакатларининг АКТни ривожлантиришдаги ютуқларини таққослашга мўлжалланган бўлиб, у глобал, минтақавий ва миллий даражаларда қиёсий таҳлил воситаси сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ягона мезонга бирлаштиради.

Рақамли иқтисодиётнинг шаклланган моделларини қиёсий таҳлил қилиш унинг умумий хусусиятларни аниқлаш имконини берди ва бунда айтиш жоизки, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда рақамли иқтисодиёт айниқса, охириги 10-15 йил ичида тез ва интенсив равишда ривожланмоқда. Бу, аввало, иқтисодиётда ахборот соҳасининг мутлақ ва нисбий ўсишида, унинг доимий диверсификацияси билан бирга намоён бўлиш билан бирга кечмоқда.

Дунё мамлакатларида рақамли иқтисодиёт ривожланишининг турли кўрсаткичлари ва йўллари қарамасдан, фаол инновациялар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва рақамли технологиялар ва инфратузилмага инвестицияларни сезиларли даражада ошириш каби унинг умумий хусусиятлари хосдир. Ушбу хусусиятлар ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос ривожланиш даражаси, сиёсий тизими, қонунчилик асослари каби омиллар билан чамбарбарчас боғлиқ бўлади ва рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёни суръатларига тўғридан-тўғри таъсир этади. Бунда керакли мезонларни танлаш, муҳим механизм ва воситаларни (рақамли технология, инфратузилма, институтлар) жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.


Жаҳон амалиётида рақамли иқтисодиёт ривожланиш даражасини баҳолашда рейтинг кўрсаткичларини қуришнинг турли усуллари қўлланилади (тармоқнинг тайёргарлик индекси, рақамли имкониятлар индекси ва мамлакатларнинг электрон ҳукумат бўйича тайёргарлик индекси). Бироқ рақамли иқтисодиёт секторининг тушунча ва статистик кўрсаткичлари тўлиқ ҳанузгача шакллантирилмаган ва ҳар бир

мамлакатда рақамли иқтисодиёт ўзига хос равишда алоҳида шаклланмоқда.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт ривожланишнинг ҳозирги босқичи унинг шаклланиш даври ва ривожланишнинг юқори динамикаси билан ажралиб туради. Бу ривожланиш даврига бир томондан, келажакдаги ҳолатларнинг максимал ноаниқлиги ва бошқа бир томондан, ривожланишнинг юқори динамикаси характерли ҳисобланади. Шаклланиш босқичининг иккинчи характерли хусусияти – эски тузилмалар (муас-

сасалар, муносабатлар, агентлар)ни янгилаш ёки йўқотиш тенденциялари ва бир вақтнинг ўзида янгиларини ҳосил қилиш бирикмаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг асосий институтлари электрон ҳукумат (ЭХ), электрон тижорат (ЭТ), электрон бандлик (ЭБ) бўлиб, улар расмий (қонунлар, ташкилотлар) ва норасмий институтлар институционал муҳитини шакллантиради (2-расм).



2-расм. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг асосий институтлари ва рақамли трансформация

Манба: Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

Республикада электрон ҳукуматнинг ривожланиши бир неча босқичларда амалга оширилмоқда ва ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699 сонли қарорига асосан, учинчи босқичга ўтилди. Электрон ҳукуматнинг ривожланиш йиллари давомида республика БМТ рейтингида мавжуд кўпгина индексларнинг сезиларли даражада яшиланишига эришди, охириги 10 йил давомида дунёдаги мамлакатлар рўйхатида 28 поғонага кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрель ПҚ-4699 сон фармонида мувофиқ, электрон ҳукуматни янада ривожлантириш учун 2022 йилга келиб, электрон давлат хизматлари улушини 60 фоизгача етказиш, бунга эса давлат ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини яратиш ҳамда уларнинг интеграцияси, давлат маълумотлар

базаларида ахборотларни унификация қилиш, оптималлаштириш ва давлат хизматларини тақдим этишни тартибга солиш орқали эришиш кўзда тутилган [5] .

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантиришга қаратилган бир қатор қонун, меъёрий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар қабул қилинди, натижада электрон тижорат бозори янада жонланди. Бироқ республикада электрон тижорат кўрсаткичларининг таҳлили уларнинг янада яшиланишини талаб этади ва айтиш жоизки, ҳозирда ушбу кўрсаткичлар жаҳондаги мамлакатлар ўртача кўрсаткичларидан паст.

Ўзбекистонда электрон бандлик шакллари масофавий бандлик (телеишчилар, бошқа ижодий касблар вакиллари (дизайнерлар, муҳаррирлар), уйда ишловчи ёлланма ишчилар

(мактаб ўқитувчилари, ОТМ профессор-ўқитувчилари, лицейлар, коллежлар, аудиторлар, бухгалтерлар, ҳуқуқшунослар, таржимонлар) ва электрон ўз-ўзини иш билан бандлар (фрилансерлар)ни ўз ичига олади. Бир қатор хусусий фирмалар ва Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги электрон бандлик масалалари билан шуғулланади. Иш қидирувчилар учун вазирлик веб-сайтида (<https://mehnat.uz/ru#>) онлайн тартибда иш қидириш бўйича бир қатор хизматлар мавжуд. Яқинда пайдо бўлишига қарамай, электрон иш билан бандлик институционаллашмоқда, чунки

аниқ қоидалар ва амал қилиш механизмлари пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистонда миллий 2013-2020 йилларга мўлжалланган ахборот-коммуникация тизimini ривожлантириш бўйича комплекс дастур амалга оширилмоқда ва йиллар мобайнида АКТнинг ЯИМдаги ҳиссаси 1,9 фоиздан 2,2 фоизга ошди. Сўнгги 9 йилда кўрсатилаётган алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 5,2 баробардан зиёд ошди.

Рақамли иқтисодиёт ривожланишининг кўрсаткичлари таҳлили кўрсаткичларнинг ошаётганлигини кўрсатади (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиёт ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2014	2015	2016	2017	2018	2019
1	Мобил алоқа абонентлари сони (млн.)	19.6	20.1	20.6	21.4	22.8	23.8
2	Интернет фойдаланувчилари умумий сони (млн.)	4.9	10.2	12.1	14.7	20	22
3	Мобил алоқа база станциялари сони (та)	14309	14921	16265	18194	22178	26000
4	Аҳолини рақамли телевидение билан қамрови даражаси (%)	45,0	54.4	68.6	95,0	100,0	100,0
5	Халқаро маълумотлар узатиш тармоғининг кенгайиши(Гбит/с)	10	16.07	25.7	64.2	1 200	3200
6	Оптик-тоғали алоқа линиялари-нинг умумий узунлиги (минг км.)	14.4	16.4	17.9	20.3	24.5	36,6
7	ЭРИ калитларининг умумий сони (мингдона)	696.582	719.614	1 430.1	1 720.2	2 946.938	
8	Давлат интерактив хизматлари ягона порталиучун хизматлар турлари сони (дона)	96	260	265	302	302	
9	Провайдерлар учун интернет хизматларга тарифлар нархи(ташқи канал учун) (\$)	312.58	259.29	157.6	91.5	10.11	5.9
10	my2.gov.uz да хизмат турларининг сони (шт.)	0	0	0	0	61	

Манба: Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

Жаҳон амалиётида почта алоқаси хизматларини рақамлаштириш хизмат кўрсатиш соҳасининг энг ёрқин намуналаридан биридир. Шунини таъкидлаш керакки, барча ижтимоий қатламларга почта хизматларининг кенг тарқалганлиги ва қамровлиги ҳамда унинг хизматларидан республиканинг барча аҳолиси таклиф этилаётган тўлов ставкалари бўйича максимал даражада фойдаланиш мумкин бўлганлиги сабабли Ўзбекистон почта хизмати фаолияти жамиятимизда катта ижтимоий аҳамиятга эга ҳисобланади. Муаллифнинг таъкидлашича, ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби, Республика почта хизмати ҳам мамлакатнинг барча бурчакларида почта алоқаси ва унга тегишли хизматларни кўрсатадиган, яхши ташкил этилган почта алоқаси тармоғининг афзалликларга эга. Ўзбекистон миллий почта операторини ривожлантиришнинг стратегик мақсади корхонани жаҳон сифат стандартларини амалга оширувчи юқори самарали ва рақобатбардош компанияга айлантиришдан иборат. Бу мақсадга эришиш кўп жиҳатдан янги, замонавий усуллардан фойдаланиш, кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш ҳамда рақамлаштиришни фаол-

лаштиришга боғлиқ. Бироқ бугун Ўзбекистон почта хизмати бош бўлинмаси бўлган “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг сўнгги йиллардаги фаолиятида унинг асосий кўрсаткичларининг кескин ёмонлашуви, ислохотларнинг олиб борилиши ва рақамлаштиришга ўтишнинг сустлиги республика раҳбариятининг ташвишига сабаб бўлди.

Бунда 2000 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда почта хизматининг энг муҳим кўрсаткичлари: почта етказиб бериш бўлинмалари сони (30 фоиздан ортиқ) ва почта етказиб берувчи (60 фоиздан ортиқ) почта ташувчилар сони салмоқли даражада камайиши кузатилди, 2018-2020 йилларда юборилган телеграммалар сони нолгача камайди ва 2000-2020 йиллар мобайнида юборилган посилкалар сонининг камайиши 6.0 фоизни ташкил этди, шу давр мобайнида эса пул ўтказмалари 1,7 баробарга ошди.

Шундай қилиб, почта алоқаси фаолиятининг асосий муҳим кўрсаткичлари 2000-2020 йиллар мобайнида пасайиб, камайиб борган, бу эса республикада асосий почта хизматлари кўрсатилишининг беқарор бўлишига олиб келди.

2020 йил 14 декабрда “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4921-сон қарори имзоланди ва кучга кирди. Ушбу қарорда Миллий оператор тармоғини ривожлантириш бўйича етарлича чоралар кўрилмаганлиги оқибатида, Умумжаҳон почта иттифоқининг Почта ривожланиши индекси глобал рейтингида Ўзбекистон 93-ўринда қолаётганлиги, Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, почта алоқаси хизматларини тақдим этиш фаолиятини тўлиқ автоматлаштириш орқали Почта ривожланиши индекси глобал рейтингида мамлакатимизни биринчи 50 таликка киритиш мақсади белгиланди ва почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Ўзбекистонда 2019-2021 йиллар мобайнида электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсади интеграциялашган ҳукуматни ривожлантиришни таъминлаш бўлиб, бунда асосий йўналишлар этиб электрон давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ахборот тизимларини яратиш ва уларни интеграциялаш белгиланган. Шу билан бирга «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 14 декабрдаги 4921-сонли Президент қароридан почта ва курьерлик хизматларини тақдим этиш фаолияти билан шуғулланиб келаётган маҳаллий ва хорижий компаниялар ҳамкорликда «яқуний манзил» хизматини жорий этишлари белгилаб берилган.

Республика корхоналарида замонавий АКТни жорий этиш рейтингининг баҳоланиши,

шунингдек, кўплаб илмий тадқиқотлар АКТни жорий этишда қуйидаги асосий муаммолар мавжудлигини кўрсатди: корхоналарининг АКТни сотиб олиш учун маблағлари етишмаслиги; АКТ мутахассисларининг етишмаслиги; АКТ дан мақсадли фойдаланилмаётганлик; АКТ жорий этишга ходимларнинг қаршилиги; компания ходимларининг билим ва малакаси йўқлиги; АКТга эҳтиёж йўқлиги; ҳамкорлар томонидан АКТдан фойдаланмаслик; мавжуд маълумотларнинг заиф ҳимояси ва хавфсизлиги; электрон хизматларнинг татбиқ этиш жараёнининг сустлиги; ҳужжатларни қоғоздан электрон шаклга ўтказиш механизмларининг йўқлиги; техник ва ташкилий камчилик ва қийинчиликларнинг мавжудлиги; ижтимоий мақом ва ёш, авлодлар ўртасидаги фарқ; ходимларнинг консерватизми ва бошқалар.

Корхоналар фаолиятини стратегик такомиллаштириш моделлари мамлакатнинг рақамли иқтисодиётини ривожлантириш ҳукумат дастури, уни шакллантириш йўналишлари билан боғлиқ ва экспертлар бундай моделларни шакллантиришда технологик, жараёнли, майдонли (платформа), тармоқли ёндашувларни таклиф қиладилар.

Қабул қилинган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясига мувофиқ, мамлакатни рақамли ривожлантиришнинг асосий йўналишларига 5 та йўналиш кўрсатилади. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” концепциясидан келиб чиққан ҳолда, муаллиф томонидан таклиф этилаётган, Ўзбекистондаги корхоналар фаолиятини стратегик такомиллаштиришнинг “рақамли эгизаклар” моделида иккита асосий ёндашувни – технологик ва тармоқлини бирлаштиришни ўзида мужассам этган (3-расм).



3-расм. Рақамли иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон корхоналари фаолиятини стратегик такомиллаштиришга бўлган ёндашув

Манба: Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

Маҳаллий корхоналар фаолиятини стратегик такомиллаштиришда фойдаланиш учун таклиф этилган “рақамли эгизак модели” рақамли моделлаштиришга асосланган бўлиб, у лойиҳалаштириладиган (ишлаб чиқиладиган) маҳсулотнинг эксплуатацион тавсифларини ва турли омилларнинг муаммосиз (бузилмасдан) ишлашига таъсирини башорат қилишга имкон беради. Ушбу моделдан оқилона, тўғри фойдаланиш нафақат асосий ахборот манбалари билан ишлаш, балки маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш – мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш, узоқ муддатли башорат қилиш (шу жумладан, фавқуллодда вазиятларни), режалаштириш, муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш имконини беради.

Оқибатда, рақабарияти ишлаб чиқаришда юз бераётган барча жараёнларни жадал рақамлаштиришни устувор мақсад қилиб қўйган маҳаллий корхоналар замонавий инновацион бозорда рақобатбардош ташкилотларга айланиш имкониятига эга бўладилар. Рақамли эгизак модели бир-бири билан боғлиқ турли омиллар комбинациясини кўриб чиқиш имконини беради, бу эса ишлаб чиқариш жараёнини янада тўсиқсиз бўлишига олиб келади.

Шундай қилиб, рақамли эгизак модели ҳам тажриба-конструкторлик ишларида, ҳам илмий ва саноат корхоналари мутахассислари томонидан қарор қабул қилиш соҳасида истиқболли восита бўлади, бу эса жараённи нафақат такомиллаштиради, балки профессионал хусусиятларга жавоб берадиган ўз моделларини шакллантириш имконини беради. Шу билан бирга, корхоналар фаолиятини стратегик такомиллаштиришда фойдаланиш учун таклиф этилган технологик ва тармоқли ёндошувни ўзида мужассам этган “рақамли эгизак модели” аста-секин, босқичма-босқич платформали ёндашувга асосланган модел яратилишига олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижаларидан куйидагиларда:

- корхоналар фаолиятида АКТни жорий этиш муаммоларини ҳал этишда, шунингдек, республикада рақамли иқтисодиёт босқичларини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларини келажакда янада тадқиқ этишнинг назарий асоси сифатида;

- ахборотлаштириш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш жараёнида, миллий иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашда унинг давлат томонидан тартибга солиниши соҳасида;

- “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини татбиқ этиш жараёнида ва уни самарали олиб бориш чора-тадбирларида;

- рақамли иқтисодиёт назарияси ва амалиётига оид ўқув-услубий материалларни ишлаб чиқишда, рақамли иқтисодиёт курсини ўқитишда, шунингдек, рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналар фаолиятини стратегик такомиллаштириш бўйича махсус курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши, корхоналар фаолиятида АКТни жорий этиш ва корхоналар фаолиятини стратегик такомиллаштириш йўлида муаммоларини тадқиқ этиш билан боғлиқ илмий йўналишдаги иқтисодий назарияни янада ривожлантиришдан иборат. Иқтисодий назария нуқтаи назаридан иқтисодий категория сифатида рақамли иқтисодиётга атрофлича тушунча берилган бўлиб, бу рақамли иқтисодиёт назарияси ривожига, шунингдек, республика корхоналари фаолиятини стратегик такомиллаштириш масалаларига ўз ҳиссасини қўшади.

Ўтказилган тадқиқот ва берилган таклифлар, айниқса, хориж илмий адабиётларида ҳанузгача назарий тадқиқотлар етишмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, маҳаллий илм-фанга катта ҳисса қўшади деган умиддамиз. Республикада бундай тадқиқотлар ҳозирги кунга қадар кам ўтказилганлигини ҳисобга олиб, жамиятда ахборот технологияларини жорий этиш жараёни жиддий илмий тадқиқотлар билан қўллаб-қувватланиши ва олиб бориши кераклигини айтиб ўтиш лозим. Тадқиқотнинг илмий ва инновацион ғоялари “Ўзбекистон почтаси” АЖ ва почта курьерлик хизмати “Express mail universal” («ЕМУ») МЧЖнинг бошқарув фаолиятига жорий этилди ва ҳозирда улар ўз самарасини бермоқда.

Тадқиқотда рақамли иқтисодиётнинг назарий ёндашувлари асосида қилинган хулосалари, яратилган концептуал модел, Ўзбекистон корхоналари фаолиятини стратегик такомиллаштириш бўйича миллий корхоналарга таклиф этилган “рақамли эгизак” модели бўйича натижалари ахборотлаштириш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш, миллий иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, керакли меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш учун асос бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Ўтказилган мазмунли тадқиқот муайян аниқ хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш имконини берди:

1. Янги (нео) иқтисодиёт тури назариялари алоҳида муаллифларнинг турли назарий ишланмаларига асосланган ва таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, бугунги кунда рақамли иқти-

содиёт етарли даражада тўлиқ ўрганилмаган, бу эса кенг қўламли тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

2. Дунё мамлакатларида рақамли иқтисодиёт кўрсаткичлари ҳар хил ва ривожланиш йўллари турлича бўлса-да, унинг барча мамлакатлар учун фаол инновациялар учун қулай шарт-шароитлар яратиши, рақамли технологиялар ва инфратузилмага инвестиция ҳаражатларини сезиларли даражада ошириши каби умумий хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

3. Дунё мамлакатларида рақамли иқтисодиёт ривожланиш моделлари турлича ва фарқлар турли ривожланиш устуворликлари ва миллий бошқарув усулларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Ривожланиш ва бошқарув усулларининг турли хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, рақамли хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиш модели (Буюк Британия) ва рақамли ишлаб чиқариш (Германия), давлат (Хитой) ёки хусусий (АҚШ) бошқарувининг устунлиги моделини қайд этиш мумкин.

4. Жаҳон амалиётида рақамли иқтисодиёт ривожланиш даражасини баҳолашда рейтинг кўрсаткичларини қуришнинг турли усуллари қўлланилади (тармоқнинг тайёргарлик индекси, рақамли имкониятлар индекси ва мамлакатларнинг электрон ҳукумат бўйича тайёргарлик индекси). Бироқ рақамли иқтисодиёт секторининг тушунча ва статистик кўрсаткичлари тўлиқ ҳанузгача шакллантирилмаган ва ҳар бир мамлакатда рақамли иқтисодиёт ўзига хос равишда алоҳида шаклланмоқда.

5. Рақамли иқтисодиёт институционал лашувнинг энг муҳим механизмларига бозор, тадбиркорлик, нарх, инновациялар, сервис, алоқа, блокчейн технологияларини, рақамли иқтисодиётнинг институтларига эса электрон ҳукумат, электрон тижорат, электрон бандлик, электрон демократия, сиёсий краудсорсинг ва бошқаларни киритиш мумкин. Бугунги кунда Республикада рақамли иқтисодиётнинг асосий институтлари электрон ҳукумат (ЭХ), электрон тижорат (ЭТ), электрон бандлик (ЭБ) бўлиб, улар расмий (қонунлар, ташкилотлар) ва норасмий институтлар институционал муҳитини шакллантиради.

6. Иқтисодиётнинг рақамли сектори маълум даражада рақамли иқтисодиётнинг устунлари бўлган компонентларга таянади ва рақамли иқтисодиёт эса ўз навбатида ўзининг механизмлари, таркибий элементлари орқали ўзаро боғланиб, шаклланишининг концептуал моделини яратади.

7. Охирги йилларда Ўзбекистон почта хизмати бош бўлинмаси бўлган “Ўзбекистон почтаси” АЖ сўнгги йиллардаги фаолиятида унинг асосий кўрсаткичларининг кескин ёмонлашуви, ислохотларнинг олиб борилиши ва

рақамлаштиришга ўтишнинг сустлиги сезилмоқда. Буни Республика почта алоқаси хизмати фаолиятида кўрсатилаётган асосий почта хизмат турлари бўйича кўплаб муҳим кўрсаткичларнинг пасайиши ва беқарорлигида кўриш мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистон почта хизмати фаолиятини ислох қилиш ва мавжуд вазиятни ўзгартириш мақсадида мамлакат раҳбарияти ва ҳукумати томонидан бир қатор қатъий чоралар кўрилмоқда. Шу сабабли, диссертация доирасида «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти ва почта курьерлик хизматларини кўрсатувчи “Express mail universal” («ЕМУ»)МЧЖ фаолиятини яхшилаш юзасидан бир қатор таклифлар берилди. Бундан ташқари, электрон ҳукуматни ривожлантириш тамойиллари асосида «Ўзбекистон почтаси»АЖ, маҳаллий ва хорижий почта-курьерлик компаниялари ахборот тизимларини интеграция қилиш модели яратилди.

8. Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланишида асосий ўринни хусусий бизнес эгаллайди, давлат эса ўзининг саъй-ҳаракатларини инфратузилма ҳамда тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишга йўналтиради. Давлат органлари умумий технологик платформаларни яратиш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, электрон ҳукуматни ривожлантириш, рақамли технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, кадрлар тайёрлаш, кибер таҳдидларга қарши хавфсизликни таъминлаш, рақамли иқтисодиёт соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва бошқаларга ўз ҳаракатини йўналтиради. Республикада ҳам давлат ушбу йўналишларга катта эътибор қаратмоқда.

9. Яқин келажакда рақамли иқтисодиёт муҳитини шакллантираётган алоҳида компания ва мамлакатларнинг халқаро рақобатбардошлигини уларнинг янги рақамли технологиялардан (булутли ҳисоблаш; интернет буюмлар; сунъий ақл; роботехника ва блокчейн) қай даражада самарали фойдаланиши белгилаб беради. Иқтисодиётни рақамли муҳитга ўтиш босқичини ҳисобга олиб, республикада корхоналари фаолиятини стратегик такомиллаштириш учун корхоналарни рақамли технологиядан фойдаланиш жараёнига унумли жалб этиш, янги иш жараёнларига кадрларни ўқитиб тайёрлаш ва бизнес жараёнларни янгидан ташкил этишга ёрдам бериш масалаларини ҳал этиш лозим. Аммо, дунё тажрибаси кўрсатмоқдаки, рақамли трансформация фақатгина рақамли технологиялар билан чекланмайди. Компаниялар ўз фаолиятларида рақамли трансформация учун зарур бўлган 4 та асосий стратегик элементни: ходимлар,

фаолият, ҳамкорлик ва технологияларни ҳисобга олишлари керак бўлади.

10. Ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларнинг корхоналари фаолиятига замонавий АКТни жорий этиш муаммоларига: тизимли номутаносибликлар, қонунчиликнинг қоқоқлиги, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўплаб мунозарали масалалар, АКТ кўникмалари ва саводхонлиги бўйича ишчи кучининг сифатининг пастлиги, мамлакатда малакали мутахассислар етишмаслиги, рақамли тенгсизлик, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқанинг йўқлиги ва инновацион тизимнинг заифлиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

11. Республика корхоналарида замонавий АКТни жорий этиш рейтингининг баҳоланиши, шунингдек, кўплаб илмий тадқиқотлар АКТни жорий этишда бир қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди: корхоналарининг АКТни сотиб олиш учун маблағлари етишмаслиги; АКТ мутахассисларининг етишмаслиги; АКТ дан мақсадли фойдаланилмаётганлик; АКТ жорий этишга ходимларнинг қаршилиги; компания ходимларининг билим ва малакаси йўқлиги; АКТга эҳтиёж йўқлиги; ҳамкорлар томонидан АКТдан фойдаланмаслик; самаранинг ноаниқ-

лиги; мавжуд маълумотларнинг заиф ҳимояси ва хавфсизлиги; шахсий компьютерларнинг талабга мос келмаслиги; электрон хизматларнинг татбиқ этиш жараёнининг сустлиги; ҳужжатларни қоғоздан электрон шаклга ўтказиш механизмларининг йўқлиги; техник ва ташкилий камчилик ва қийинчиликларнинг мавжудлиги; ижтимоий мақом ва ёш, авлодлар ўртасидаги фарқ (барча ходимлар электрон хизматлардан тенг фойдалана олмайди); ходимларнинг консерватизми ва бошқалар.

12. Корхоналар фаолиятининг рақамли иқтисодиёт моделлари мамлакатнинг рақамли иқтисодиётини ривожлантириш ҳукумат дастури ва уни шакллантириш йўналишлари билан боғлиқ бўлиб, у технологик, жараёнли, майдонли ва тармоқли ёндошувларни ўз ичига олади. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” концепциясига кўра, Республикада рақамли иқтисодиёт шаклланаётган ва ривожланаётган шароитда муаллифлар томонидан таклиф этилаётган Ўзбекистон корхоналарини стратегик такомиллаштириш моделига иккита асосий ёндашув – технологик ва тармоқлини киритиш мумкин бўлади, буни эса муаллифлар “рақамли эгизаклар” моделига бирлаштиришни таклиф қилмоқдалар.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Отакузиева З.М., Бобохужаев Ш.И. *Specific features of formation of information economy. Сборник материалов V международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы экономики и управления на предприятиях машиностроения, нефтяной и газовой промышленности в условиях инновационно-ориентированной экономики»*, (г. Пермь, 28 апреля 2015 г.).-Пермь, издательство Пермского национального исследовательского политехнического университета, 2015.-с.231.
2. Доклад по цифровой экономике за 2019 год. Создание стоимости и получение выгод: последствия для развивающихся стран. Обзор конференция Организации Объединенных Наций по торговле и развитию ЮНКТАД. [Электронный ресурс]. URL: https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/der2019_overview_ru.pdf. (Дата обращения 1.10.2019).
3. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони (ПФ–6079-сон, 05.10.2020 й.).
4. “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 декабрдаги ПҚ-4921-сон қарори.
5. Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон қарори
6. Лепидус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией.– М.:ИНФРА-М,2018.-381 с.7. Скребков Д., Шевчук А. Электронная самозанятость в России // Вопросы экономики. 2011. № 10. С. 90-96.
8. International Trade and E-commerce. May 1, 2019 // <https://crsreports.congress.gov> | IF11194 • VERSION 2 • NEW.
9. Otakuziyeva Z. M. Forming and development of information economy in Uzbekistan. *American Scientific Journal* № 1 (9) / 2017, Elmhurst AV, Queens, NY, United States.-p.82-86.
10. Gulyatov S.S., Auipov R.X. Миллий иқтисодиётда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг стратегик аҳамияти. Тошкент, www.UzA.uz, УзМАА – Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги «Электрон журнали», УзМАА Ахборотномаси, 2019 йил октябрь, №1. 11 бет.
11. И.А. Хасаншин, А.А. Кудряшов, Е.В. Кузьмин, А.А. Крюкова. Цифровая экономика. Учебник для ВУЗ ов. –М: Горячая линия. –Телеком, 2019. -280 стр.
12. Gulyatov S.S. va boshqalar. Main basic principles of use of digital technologies in agriculture in the Republic of Uzbekistan. *Journal of American Sciences*, 2019, December, №12, pages 12-19.
13. М.Х. Саидов, О.Т. Кенжабаев Роль информационно-коммуникационных технологий в развитии Республики Узбекистан Журнал Современные информационные технологии и ИТ-образование Том 12 № 4, 2016.
14. Davidson A. *Digital Economy Agenda 2016* / Commerce Department USA. -Washington, 2016. - 5 p.
15. OECD *Digital Economy Outlook 2017*. - Paris: OECD Publishing, 2017. - 325 p.-Mode of access: http://www.keepeek.com/Digital-Asset-Management/oecd/science-and-technology/oecd-digital-economy-outlook-2017_9789264276284-en#.WmieAhuil4Q#page16.